

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси

ВАТАН БАЙРОҒИНИ УЎЗАН ЙИГИТЛАР

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

Ҳарбийга кетаётган укаларимга
Шукр сиз урушга кетаётганингиз йуқ,
Шукр сиз тинчликнинг аскарларисиз.
Дуо қилаётган юртга бир қаранг,
Сиз унинг тожисиз, гавҳарларисиз.
Талотуп вокзалнинг бир чеккасида
Сизга қарайвериб уйларвердим жим,
Юрт сента ишонар, алпкелбат укам,
Юрт сента ишонар, шарткесар иним.
Вокзал кулду, ҳазил, севинч
ёшлари...

Кезар нон ҳидилек азиз хаёллар
Энди, сиз кетгандан келгунингизча
Тиконлар устида ётмас аёллар
Энди гурур билан боқар оталар,
Юрак гулханидан куздаги утлар,
Энди фарқ қилади оддий йигитдан
Ватан байроғини ушан йигитлар.
Нон тишлатар олат, энг қадимий урф
Умид уй турида порлаб туради.
Тишлам нон — момолар сақлаган
ирим
Сени уйғоқликка чорлаб туради.
Уйғоқлик, пойингта дон излаб келган,

Митти кушчаларни синглим деб — сийлаш
Уйғоқлик ҳар тошнинг ёнида усган
Ҳар битта гиеҳни укам деб уйлаш.
Ватан деганингда дилингда отган
Оппоқ саҳарларга саломлар айтгин
Ишонч осмонига учирма булган,
Оққушим соғ қайтгин, саломат қайтгин.
Илоё, соғ қайт!
Келинчак кирмаган йўлинг соғ қайтсин,

Кувёбелбоғ боғлар белинг соғ қайтсин.
Беғубор дилингда ҳарбийда усган,
Ватан меҳри деган — гулинг соғ қайтсин.
Илоё, соғ қайтсин қора кузларда
Гурур гулханидан чақнаган утлар
Ахир фарқ қилади оддий йигитдан
Ватан байроғини ушан йигитлар.



Абду Раши ЖУМА оқган сурат

Ватанни қуриқлаш. Утил бола камолатта етгач, билагига куч-қувват, олтин бошига ақду-шуур тулгач Ватанни қуриқлаш билан узининг йигит эканини, шу гузал юрт, муқаддас тупроқни асраш қобилияти борлигини исбот қилади. У энг аввало онасини, опаси-ю, синглисини, севгилисини хавотирдан, ёвузликлардан ҳимоя қилаяман, деб тушунмоғи даркор. Чунки, она зоти доимо ҳимояга муҳтождир.

Ватан, бепоён бағрининг қаеридалар оққушлар тумшукларида полапонига дон тутапти, қаерида бугу боласини ялаб эркалатапти, қаеридалар оппоқ от шахло кули қулинини эмизаяпти, қайсиدير гушасида дилбар келинчак биринчи марта бешик ёнига борди. Бу муқаддас лақиқа-

ларни қуриқлаш учун уйкудан кечиш бахт эмасму?

Ватан, қайсиدير уйингда ҳарбийга кетган йигитнинг онаси яшайди. Унинг орзулари бисёр, эртдан-кечгача олиб югуради. Нон епади, кашта тикади, боғидаги гулларни беғона утлардан тозалайди, бемор отасининг кунглини сураш учун боради. Хуллас кеч киргач қулига ип-игна олиб ҳарбийга кетган углига атаб тикаётган тунни қапишга тушади. Бу тун дунёдаги энг чиройли тун бўлишини истайди у, орзулар оғушида жилмайиб бармоғига игна кирганини ҳам сезмайди, хаелида нуридийасининг бахт туйи ва ушбу тун. Тун яримда тунни кучоқлаб ухлаб қолади.

Бу лаҳзаларни қуриқлаш керак. Бу лаҳзалар учун жон фило қилса арзийди.

Ватанни қуриқлаш — бахтни қуриқлашдир. Қадимда мардлар тутилган тупроғини асрашда тунар ухлаб қолмаслик учун тирноқлари орасига оғриқ берувчи тигчаларни санчиб қуйганлар, фароғат элитмаслиги учун совуқ тошларда жиёмларини синаб курганлар, оловдан омон утиш сирларини билганлар. Ҳозир ҳам ҳарбий қисмларда машқ қилаётган сиртлондек чаққон, лочиндек учқир, ханжардек тик йигитларни куриб ҳайратдан қувонасан киши.

Биз ўзбекларнинг қонида, жонда неча асрлар, неча йиллардан буён яшаб келаётган юртга фарзандлик туйғуси барча туйгулардан устундир. Зеро, юрти тинч бўлмаган инсон доимо бахтсиздир, зеро эли осойиш топмаган кишининг кургани қулфатдир. Зе-

ро, узини фозилу якто, деб ҳисоблаган одамнинг ватани азоб ичра, ут ичра бўлса, ундай «фозил»нинг курган куни курсин, курмаган куни курсин.

Йигит — углим, укам, посбоним.
Меҳр юрти — Ўзбекистоннинг нон ёпилаётган тушаларига ола қараётганлар борлигини унутма! Нон тутилган дастурхонини мулдаж олаётганлар мавжудлигини унутма! Ёвузлар учун муқаддасликнинг узи йуқ, Улар учун саждагоҳлар оддий култета. Улар учун бугдойзорлар ҳазон, улар учун ўзбек тилида айтилаётган алла тушпнарсиз. Шундай экан хушёр бу!

Ватан байроғини ушаётган ҳар бирингизга Оллоҳ мададкор бўлсин!

Зулфия МУМИНОВА

"ЎЗИНГИЗ УЧУН ҲАМ ЯШАНГ"

Индонезия тассуротлари

Сурхондарё вилоят тугруқхонаси бош ҳақими Рустам ҚОҒАКУЛОВ яқинда бир гурӯҳ ҳамкасблари билан Индонезияда ўн олти кунлик сафарда бўлиб қайтди.

— Индонезиянинг тиббиети, қолаверса, оилани режалаштириш тажрибаларини ўрганиш мақсадида республикамиздан олти нафар мутахассис — ҳақим ушбу мамлакатда бўлиб қайтди. Руйроҳ айтиш керакки, сафаримиз давомида кўп нарсаларни кўрдик ва унутилмас таассуротлар олдик.

Индонезияда қарийб икки юзга яқин миллат вакиллари аҳил, иноқ яшади. Улар асосан туртга: араб, инглиз, индонез ва ҳинд тилларида гаплашишади. Аҳолининг аксарият қисми ана шу тиллардан хабардор. Индонезия субтропик мамлакат бўлиб, ҳудуди Ҳинд ва Тинч океанлари билан уралган.

Мамлакатда жиноятчилик жуда оз миқдорда. Ўз жонига қасд қилиш, зино, уғирлик, ичкилик-бозлик деярли йўқ. Биз шунча кун юрдиб дуконларда маст қилувчи ичкилик сотилаётганини кўрмадик. Энг кўп аҳоли яшайдиган Шантерон шаҳрида ҳам бундир. Шаҳарнинг бир томонидан иккинчи томонига чиқмоқ учун роппа-роса икки юз километр юриш керак экан. Ана шунча масофадаги йўлнинг икки тарафи ҳам кета-кетганча шахсий дуконлар, ошхоналар, ҳунармандчилик устаноналари билан тўлиб-

тошган.

Лекин бир нарсаси: Индонезияда экологик аҳвол анча мураккаб. Асосий ҳудуди сув билан уралган мамлакатда намгарчилик анча баланд, ҳаво мўл. Бунинг устига техника кучли тараққий қилганлиги ҳам ҳаво таркибининг бузилишига олиб келган ҳамаси, биз узишимни анча беҳузур сездик.

Гапимнинг аввалида эслатиб ўтганимдек, сафардан қузла тугилган мақсад тиббиётнинг аҳволи ва оилани режалаштириш тажрибаларини ўрганоқ эди.

Энди гап шу ҳақда.

Авалло маълумот учун айтиб қўяй: Индонезиянинг «Оилани режалаштириш ва равақ топтириш тугрисидда»ги қонуни 1972 ва 1992 йилларда қабул қилинган, 1972 йилдаги Қонунга қўриш, бир оилادا учтагача фарзанд куриш мумкинлиги қўришган ҳамда уларга давлат томонидан тугилгунга қадар икки гафта ва тугилганидан сўнг уч ой давомида нафақа берилиши белгилаб қўйилган. 1992 йили қабул қилинган қонунга қўриш эса бир оила икки нафаргача бола куриши қўришган. Қонунда белгилаган иккита болага барча давлат имтиёзлари берилади. Учинчи бола эса қонунга хилоф равишда тугилган ҳисобланади ҳамда барча имтиёз, нафақадан маҳрум қилинади. Мабоало аёл учинчи фарзандини туғиш чоғида бирон фалокатта дучор бўлса, бунинг учун ҳеч ким жавоб бермайди. Чунки бу

аёл қонунни бузган саналади.

Давлат тизимида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, уларнинг саломатлигини ҳимоялаш, оилани режалаштириш учун ҳокимдан тортиб барча вазирларгача жавоб беради.

Мамлакатда «Оилани режалаштириш ва мувофиқлаштириш миллий кенгаши»га бевосита Индонезия Президенти раҳбарлик қилади. 1957 йилдан бери оилани режалаштиришни ташкил этиш борасида қўйилган ишларга алоҳида аҳамият бериб келинмоқда:

Ота-оналарнинг масъулиятини ошириш, оила тирикчилиги учун яхши шароит явулдура келтириш, ҳар жиҳатдан соғлом фарзанд туғилишини таъминлаш, соғлом оилани вужудга келтириш ҳамда уни иқтисодий жиҳатдан тукис қилиш, она ва боланинг соғлигини муҳофаза этиш, келажаги, илм-ҳунар ўрганиши учун тулик имконият яратиб бериш.

Индонезияда иккита нодавлат ташкилот бор: «Мухаммадийер» ва «Асия». Иккаласи ҳам мусулмон ташкилоти саналади. «Асия» мусулмон хотин-қизларнинг 1912 йили Жакартада тузилган ташкилоти бўлиб, оилани режалаштириш, мувофиқлаштиришда фаол иш олиб боради.

Мамлакатда оилани режалаштириш, мувофиқлаштириш борасида шу қадар кўп яхши ишлар қилинаётгани, ҳайрон қоласиз. Бу нарсаси бизга, яъни саккиз-ун нафар-

дан фарзанди булган мамлакат одамларига ҳайрон қоларли туюлади. Бир галги учрашувда мендан суради: «Марҳамат қилиб айтингиз, узингизда нечта фарзанд бор?» «Олтита уғил-қизим бор», — деган жавобимни эшитган хориклик қабдишларим дод деб юборадилар. «Ахир, Сиз олти одамнинг келажагини қандай қилиб таъминлайсиз? Олти булакка булинсангиз, унда узингиз учун қачон яшайсиз?» — дейишти улар. Шунда мен ўз-ўзимча: «Менинг-ку ҳали олти болам бор экан, туққиз-ун нафаргача фарзанди бор ота-оналар ҳақида гапирсам, нима дер эканлар.» — дея уйладим...

Давлат қонунини қизларнинг ун олти ешдан, йигитларнинг ун туққиз ешдан турмуш қуришлари қўришган. Лекин индонезиялик қизлар аксарият ҳолларда йигирма ешдан, йигитлар эса йигирма беш ешдан турмуш қурадилар. Чунки ҳар бир йигит-қиз ҳафта жиждий эътибор билан қарайди, токи узи-га керакли қасб-ҳунарни эгаллашгунга қадар, токи мустақил равишда рўзгор тейрата олишга қодир бўлмагунга қадар, мувофиқлашди.

Яна шуниси қизиқки, Индонезияда аёлларнинг уттиз ешдан кейин фарзанд куриши мум-

кин эмас. Чунки уттиз ешдан кейин соғлом болалар тугилмаслиги исботланган.

...Мамлакатда даволаниш пуллиқ. У ердаги шифохоналар узимизникилар билан таққослаб қурилганда, анча қолқлиги кузга ташланади. Бизда қўлданайлаётган асбоб-ускуналар, давлолаш усуллари у ерда онда-сонда учрайди.

Хуллас, ун олти кунлик Индонезия сафари биз шифокорларга мамлакатимизда соғлом авлодни вужудга келтириш борасида қилинаётган ишларни кенг миқёсларда амалга оширишда қўл келадиган фойдали тажрибаларни қўришди. Зеро, мустақил Ўзбекистоннинг ҳар томонлама қўл келадиган тарбиялаб етиштириш учун хорик тажрибалардан фойдаланиш, яхши жиҳатларини ўрганиш асло зарар қилмайди.

Сўхбатчи Маҳмуд АБУЛҲАЙЗ эъиб олди

АЁЛНИНГ КЎНГЛИ БЎЛИНМАСИН

Фикр

Ҳурматли таҳририят ходимлари! Очиғи, газета-журналларга хат ёзиб, ном чиқаришга ишқибозлик жойим йўқ. Лекин кейинги вақтларда айрим матбуот нашрларида қўшотинликларнинг айб ёки айб эмаслиги ҳақида мунозарали мақолалар тез-тез куришиб қолаётгани сабабли хат ёзишга аҳд қилдим.

Албатта, ҳар ким истанлан воқеа-ҳодисага ўз дуюқарашни, улчамидан келиб чиқиб баҳо беради. Лекин, менимча, қўшотинликлик масаласида деярли барча аёлларнинг фикри бир жойдан чиқса керак. Чунки аёл учун эр, фарзандлар, демакки, оилалар муқаддас, азиз нарсаси йўқ.

Жумладан мен учун ҳам. Ҳозир

ҳаётимдан нолийдиган ерим йўқ. Турмуш урғоғим яхши одам, фарзандларимиз ҳам изимиздаги эсли-хушли болалар. Ҳар кун яхши ният билан ишга жўнаб, бир олам соғинч, ташвишлар билан оилага қайтаман. Ташвишларки, уларнинг бари ширин, оилани янада тотувроқ қилиш борасидаги уй-фикрлар.

Энди тасаввур қилинг. Ана шундай яхши ниятлар билан уйга келсангиз, уша кун турмуш урғоғинг кечикса ёки мутлақо келмас... Ёки булмаса сен унинг бошқа уйда яна бир оиласи борлигини билсанг. У ерда ҳам фарзандлари қўшаётганидан хабардор бўлсанг. Ахир, бу қандай бўлди! Аёлнинг, яъни менинг кўнглим бузилмайдими? Шу тобда

узим учун азиз булган одам бошқа биров билан худди менга булгандек муносабатда бўлаётганини уйлаб кўнглим эзилмайдими? Бундай аҳволда мен қандай қилиб уша эримга, фарзандларимга ширин муомалада буда оламан! Турмуш урғоғининг менга кўнгли яримлиги дилимни вайрон қилиб, оиламга дарз туширмайдими! Ҳар ҳолда, мен бундай аҳволга тушишни мутлақо истамасдим. Нафақат узимнинг, бошқа аёлларнинг ҳам бошига бундай кун тушмасин. Токи, биз кўнглимиз тинч, хотиржам бўлиб, бор меҳримизни оиламизга бағишлаш имконидан маҳрум бўлмалик.

Дилюбар ЭРҒАШЕВА,
Тошкент шаҳри



Яшавор, ота ўғил!

Украинанинг Донецк шаҳрида ҳомилалар аёллар хори ташкил тошган. Булажақ оналар қўшиқ қўйлаш билан шон-шухрат кетидан қувилмайди, балки бу машғулот билан уларнинг тугилжақ фарзандлари нафи учун шугулланишади.

Уттиз нафар ҳомилалар аёллар хорига собиқ мусиқачи ва турт боланинг отаси Семён Иванченко раҳбарлик қилади. Хор иштирокчиларининг ишончлирига қўриш, ана қориндаги гудак мусиқачи яхши ҳис этаркан ва бу тугий унинг тугилгандан кейин шаклланидиган фель-автори ҳамда қобилиятига ижобий таъсир қўришаркан.

Фазим устидан қозонилган галабининг 50 йиллиги муносабати билан Лондонда Катта Учликнинг тасмолси — Уинстон Черчилль, Франклин Рузвельтга ҳайкал қўйилди. Уриндикда утирган бу икки раҳбар уртасидаги жой бўш. Табиийки, бу жой Иосиф Сталинники. Ушбу елдорик уч раҳбарнинг 1945 йили Ялтадаги учрашуви чоғида олинган суратини эслатади. Ҳайкалтарош тарихий ҳақиқат-

ни «сохталаштирган»и, яъни уриндикдан Сталинга «жой бермагани», ҳарқалай, ҳеч кимни газиблангирмас керак. Чунки «барча халқларнинг дохийиси» ҳайкалтарош томонидан узининг гайринишоний фаолияти билан ана шундай «иззатга» лойиқ топилган бўлса ажаб эмас. Лондонликлар Черчилль ва Рузвельтнинг уртасига — уриндикка утириб, суратта тушишни хуш қуришади. Ахир, улар билан, боз устига, Сталинсиз суратта тушиш хавфсизроқда.

Тилла тиша ишқибозлик одам-зодини жуда-жуда қадимги аждодларига ҳам хос олад булган экан. Бундан бир неча йил бурун мисрлик олимлар қазилмалар пайтида учта тишни бириктириб боғлаган тилла симни топишган. Тахминларга қараганда, бундай ҳашам бундан 4500 йил илгари амалга оширилган экан. Тилла қопланган тишлар, шунингдек, қадимги Хитой ва Юнонистон тупроқларида ҳам топишган. Фил сувяндан, ақуланинг тишидан тайёрланган сунъий тишлар қадимги ҳинд қабилалари орасида тарқалган. Африкада эса мутлақо соғлом тишларни сугуриб, урнига

ҳаммаслақ врачларни йиққан, ҳомилалардан тажриба учун зарур маблағларни олган ва ҳатто турт жуфт бепушт эр-хотинни ҳам излаб тошган. Улар тажрибада иштирок этишга розилик беришган. Америкалик олимнинг қарори қатъийга ухшайди: агар АҚШда руҳсат беришмаси, у уз ниятини бирор-бир чет мамлакатда амалга оширмоқчи.

Чикаголик физик Ричард Сиднинг бепушликка қарши кураш олиб бориш мақсадида сунъий йул билан одам яратиш учун илк тажрибага қўришга тайёрланаётгани ҳақидаги хабар бутун дунёда катта шов-шувга сабаб бўлди. АҚШ президентининг матбуот котиби бундай режани қоралаб бу «ута масъулиятсиз ва ахлоққа тугри келмайдиган иш», деди. Шунингдек, Президентнинг биологик этика масалалари бўйича маслаҳатчиси бундайин тажрибаларни қонун йули билан тақиқлаб қўйишга қақирди.

Бирок ҳар қил эътирозларга қарамай, америкалик олим ўзи уйлаган режани амалга ошириш ниятидан қайтгани йўқ. Р. Сиднинг айтишича, у аллақачон атрофига

қўришган. Улар тажрибада иштирок этишга розилик беришган. Америкалик олимнинг қарори қатъийга ухшайди: агар АҚШда руҳсат беришмаси, у уз ниятини бирор-бир чет мамлакатда амалга оширмоқчи.

Камбағаллик айб эмас, дейишди-ю, бироқ оиладаги етишмовчиликлар, турмушдаги камчиликлар охир-оқибат жамият, давлат гарданига оғир юк бўлиб тушади. «Труд» газетасининг эшишча, Россияда олдинги ун йилга нисбатан кейинги ун йил ичда 6 миллион бола кам тутилган, 6 ешча булган болалар сони 35 фоизга қамайган. Айни пайтда 18 ешдан 40 ешгача булган аҳолининг 30 фоизи бола куришни хошлашмайди. Асосий сабаб эса камбағаллик. Агар аҳвол шу тарихқа давом этса, 20-25 йилдан сўнг Россия аҳолисининг ярми нафақахўрлардан иборат бўлади, ишга яроққиллар эса атиги 25 фоизни ташкил этади. Ҳозирги пайтда Россиядаги барча болали оилаларнинг (улар 23 миллион) ярмидан кўпроги ноҷор аҳволда кун кечир-

моқда, деб ёзди «Труд» газетаси.

Турмуш шароитининг оғирлиги оқибатида мактабларда «ақд-ли» (яъни бойларнинг болалари) синфлар ва «ақдсиз» (яъни камбағалларнинг болалари) синфлар юзга келтириб. Бундай аҳвол болалар уртасида жиноятнинг ортиб боришига сабаб бўлаётир. Кейинги беш йил ичда усмирлар орасида содир этилган жиноятлар 21 фоизга, бужоног иштирокчилари сони 30 фоизга ошган.

Англия ҳукумати пейджер учун 22 миллион фунт стерлинг сарфлади. Бу маблағга олинган пейджерлар мактабда дарсдан «қуен» буладиган бебош болаларнинг ота-оналарига бепул тортиқ қилинди. Энди тартибсиз болаларнинг ота-оналари зумран пейджерлар мактабга келмаган, дарсларга кирмагани ҳақида уз вақтида хабар топиш ва зудлик билан чора қуриш имконига эга буладиган. Англия таълим вазирлигининг маълумотида қараганда, ҳар йили бир миллионга яқин бола дарсдан қочиб юради. Утган йили бундай болаларнинг 12,5 мингта мактабдан ҳайдалган.

«ГАП» ДЕСА... ЮРАГИМ БЕЗИЛЛАЙДИ!»

Мулоҳаза учун мавзу

Халқимизда гап-гаштакдек ажойиб удум бор. Ҳафтадами, ойдами, бир ёр-биродарлар, ҳамкасблар, синфдошлар, қариндошлар, маҳалладошлар, хуллас, кунгилга яқин кишилар билан тупланиб, ҳамсуҳбат бўлганга не етсин! Бундай утиришлар чоғи кундалик ташвишларни бироз булса-да унутасиз, дилингиз чигали ёзилади. Узингиз билмаган янгиликлардан бохабар бўласиз. Ундан ташқари, айтайлик, туй қилаётган ёки уй қураётган бўлсангиз, купроқ шу «гап»даги уфатлар кор келади: туйда қуй стаклабми, тилам кутарибми келишгани етмаганидек, то туйингиз утгунча хизматда бўлишади. Уй курсангиз жилла курса дам олиш кунлари келиб, «ҳорма, бор бўл!» дея сизу, усталарга далда бериб туришади.

Илгарилари «гап»ларда фақат эркаклар қатнашишарди. Ҳозирда эса оғизларимиз бу борада биздан утишса утишадими, асло ортда қолишгани йўқ.

Ҳуш, юқоридаги сузлардан мурод нима? Индалло-

си шуки, кейинги пайтда ана шу ажойиб удумга куз теккандек. Гап-гаштакларни интиқлик билан кутадиغانларнинг сафи камайгандек. Яшириб нима қиламиз, «гап»га боришдан ҳатто безиллаб қолганлар бор. Нега?

Уз-узидан маълумки «гап» дастурхонсиз утмайди. Беш қул баробар эмас — кимдир дастурхонни қойилмақом беватади, кимдир сал камтарроқ. «Қойилмақомлар» дастурхонга Эрон пистаю, жу-жакабобча қуяди. Ундан қолмасликка, туғрироғи, тили қисик бўлмаслигига тиришган «камтарлар» ҳам дастурхонга бор-будини тугади. Купинча уларнинг бир ойлик топган-тутгани — маошию, мукофоти дастурхон билан бошланади, дастурхон билан тугайди. «Камтарлар» бир чиранади, икки чиранади, кейин касаллиги ёки иши чиқиб қолганини баҳона қилиб, утиришга бормай қуя қолади. Куп кузатганман: гап-гаштаклардаги дастурхон мул бўлса-да, аксар нарсалар шундай, қул теккизилмаганича қолиб кетади. Яъни келганлар қорин гамида эмас, ичидаги гапини ту-

киб солиш учун (бекорга «гап» дейилмаган-да!) йиғилади.

Маишатбозликлар ҳам ҳолва экан. Кейинги пайтда «гап»ларга пул, латта-пугта, қимматбаҳо буюмлар аралашадиган бўлиб қолди. Яқинда қўшнимизнинг уғли «гап»да олдин гиламдан уйнардик, ҳозир «ДЭУ» телевизордан уйналпмиз», деб мақтаниб қолди. «Гап»да неча кишилар?» дея қизикдим. Ун киши, икки ҳафтада бир йиғилишар экан. Ҳозир хорижий телевизорларнинг нархи 30 — 40 минг сўм атрофида. Демак, «гап»да қатнашаётганлар ҳар ойда «телевизор пули»нинг узига камида 7-8 минг топиши керак. Қўшнимизнинг уғлини «бунча пулни топаман деб қийнади қолмайсизларми?» деб саволга тутсам, «Ҳа энди, йиғиб-қисиб туғрилаймиз-да, баҳонада телевизорлик бўлиб қоляпмиз-ку!» дейди...

Бир аёлни танийман. Узи ҳамшира бўлиб ишлайди. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, нақ турт жойда «гап» ейди. Туртговида ҳам шу нарса бор, яъни уртада ё пул айланади, ё сунги урфдаги мато. Аёлни купинча «уфф, «гап»га пул топиб беришим керак», деб сиқилиб утирганини кураман. «Шуни йўқотсангиз, иложи бўлмаса, туртамас, битта «гап»га қатнашсангиз бўлмайдим», деб усмоқчилардим. «Ука, сиз билмайсиз-

Эр билан тинч-тоғув яшашнинг муҳим шартларидан бири қуйидагилардир: эрни узига ром қилиш учун ҳамиша уз бадалини озода тутиш, либосларини ҳамиша покиза қилиб юриш, сочларини тартибга солиб, уларга оро бериб туриши лозим. Шу уринда бир араб аёлининг уз қизини куёвга узатаётганда айтган гапларини келтириб утиш фойдалидир. У уз қизига шундай насиҳат қилган экан:

— Эй қизим, сен уз урганган уйингдан кетиб, нотаниш бир хонадонга тушмоқдасан. Сен у билан шундай муомала йўлини тут: сен ер бўл, у осмон бўлади. Демак, сен унинг олдида ер каби камтарин бўлсанг, у осмон каби олижаноб бўлади. Осмон шиғоли ёмғири билан сени хушнуд этади. Яна сен унга канизак бўлсанг, у сенга қул бўлади.

Қизим, куёвингдан кучи етмаган ва соғиб олишга қудрати келмайдиган нарсаларни талаб қилма! Агар шундай қилсанг, орадаги тотувлик йўқолади, турли хил жанжаллар юз беради. Узингга хушбуй нарсалар билан оро бер, нохуш хиллардан сақлан! Показилик ҳамиша йўлдошинг бўлсин! Узингни аччиқ пичинг сузлар айтишдан сақла, тилингни ширин қил, юзингни ҳамиша очиқ тут. Эринг сендан фақат юмшоқ ва ширин сузларингни эшитсин. Ярашмайдиган, эски либосда ёки юзларингга оро бермаган ва сочларинг тартибга солилмаган ҳолда унинг олдида утрима!

Аёл ушбу сузлар билан қизини куёвга узатган экан!
Олимат ал-БАНОТ

Нажиб Фозил кемада китоб ўқиб кетаётган экан. Мухлисларидан бири яқинлашиб:

— Устод, дунёга пайгамбар юборишнинг нима кераги бор эди?! Аллоҳ ақл бериб қўйибди, йўлимизни ўзимиз топиб олаверсак бўлмайдимиз? — дебди.

Нажиб Фозил китобдан бош кўтармай жавоб берибди: — Кемага минишнинг нима кераги бор эди! Денгиздан сузиб ўтаверсанг бўлмайдимиз!..

(«Ҳикматли латифалар» китобидан)

«Мени ўзларингиздан, ота-онангиздан ва фарзандларингиздан ҳам яхши кўрмагунларингизча комил мўмин бўла олмайсизлар».

(Ҳадиси шариф)

Ухуҳ жангида фидокорликнинг, садоқат ва самимиятнинг чуққисига эришилди, балки қайта бор куринмайдиган шараф лавҳалари намоён бўлди.

Жангда Пайгамбаримиз (с.а.в.) буйруқларини унутган камончилар эғаллаган жойларида тарк этишди, муминлар орасида бошбошдоқлик юзага келди. Бу аснода бир неча шаҳид берилди. Набийлар Набийсининг ҳам муборак бошлари яраланди, тишлари синди ва парчаланган совуларининг халқлари вужудларига ботди...

Фахри Коинотнинг (с.а.в.) атрофларини уриб турган саҳобалар бу халқларни тишлари, тирқонлари билан чиқарар эканлар, тишлари синиб, тирқоқлари қайрилганини асло сезмас эдилар. Чунки улар еру кукнинг энг шарафли борлигига хизмат қилаётган эдилар.

Иттифоқо, муҳриқлар пайгам-

СУМАЙРО

баримизни «Вафот этди!» дея ёлгон хабар тарқатдилар. Бу хабар гармсел қуюни каби бир зумда атрофни остин-устин қилиб, ҳатто Мадинага етиб борди. Шаҳарда қолганлар ҳам, жанг майдондагилар ҳам саросимага тушдилар. Худди шу пайтда узокдан Ухуҳ майдони томон от суриб келаётган бир аёл куринди. Бу аёл Сумайро эди. Отасини, ака-укасини, эри ва болаларини жангта жунатар чоғида: «Билиб қўйинглар, урушда агар Пайгамбаримиз (с.а.в.) сочларидан бир толанинг тушишига йўл қўйсаларингиз, сизлардан рози бўлмайман! Ул зотта бир қор-қол бўлиб, сизлар соғ-омон қайтсангизлар, юзларингизга боқмайман!» деган аёл эди у...

Сумайро Ухуҳда кириб келганида саҳобалар беихтиёр тисарилишди:

— Болаларинг шаҳид бўлди, — дейишди.

У эшитмади гуе. Ақлдан озган каби Пайгамбарни қидирар эди жанг майдонидан:

— Расулulloҳ қанилар?! — деб сўради.

Бир оздан сунг: — Отанг ҳам бу ерда... шаҳид бўлди, — деди кимдир.

Бироқ Сумайронинг қузи ҳеч нарсани қурмас, яқнаш:

— Расулulloҳ қасрдалар?! — дея бақирар эди. — У куёш бўлмаса, бу зулмат жаҳонни не қиламан?!

— Расулulloҳ бу ердлар! — дея мужда бердилар. — Фақат, бир оз яраландилар.

Сумайро қувончдан узини ерга отди ва ул Зот (с.а.в.) босган тупроқларни ула-ула, енларига борди. Хирқаларини юзига сўракан:

— Ё Расулulloҳ! Осмонлар парчаланиб бошимга тўкилса ҳам, отам ва фарзандларим бирма-бир шаҳид бўлса ҳам, гам емайман энди. Чунки сиз тирик экансиз! — дея йиғлар эди...

Анвар ТУРСУН тайёрлади



Ташқарида қор, ичкарида баҳор



ТАЛАБ

Германияда чоп этилаётган «Фокс» журналининг эшишча, Хиндистон Буюк Британиядан дунёга машхур, 109 каратли «Кухинур» олмосини қайтариб беришни талаб этмоқда. Маълумки, инглизларнинг XIX аср урталаридаги Хиндистонга юриши чоғида бу қимматбахо тош бобурий пошхо Бахадиршоҳ Зафардан улжа олинган эди. Хиндистон эса «Кухинур»ни ўзининг миллий ва тарихий бойлиги, деб ҳисоблайди.

ЯРОҚСИЗ ЙИГИТЛАР

Россия қуроли кучлари сафига кузги чақирик йигитларнинг йилдан йилга майдаланиб, нимжонлашиб бораётганини курсатди. Масалан, Марий Эл республикасида ҳар етти чақирилувчининг бири ҳарбий хизматга вақтинча ёки тулик яроқсиз, деб тошди. Уларнинг ярмисига «гипотрофия» диагнози қўйилди, яъни уларнинг вазни меъридагидан кам экани аниқланди.

ЯНГИ АСР БЎСАҒАСИДА

Тунслик астролог Ҳасан аш-Шарни утган йили декабрдаек малика Диананинг фожиали улимини башорат этган эди. Яқинда у Буюк Британия билан боғлиқ яна бир неча тахминларини илгари сурди. Унинг айтишича, Буюк Британия қироличаси XXI аср арафасида тахтни шаҳзода Чарлзга тоширади. Лекин тез орада унинг уринини Уилям эгаллайди. 2025 йилга бориб Шимолий Ирландия қироллик таркибидан ажралиб чиқади.

КЎЛҚОҚДАН ЭХТИЁТ БЎЛИНГ!

АҚШлик тиббиётчи олимлар шу вақтгача ҳар қандай инфекция ва вирусларни ўтказмайди, деб ҳисоблаб келинган жарроҳлик резина қўлқопи аслида у қадар ҳам хавфсиз эмаслигини аниқлашди. Жумладан, ВИЧ инфекцияси, яъни СПИД вируслари ундан бемалол ўтиб кетар экан.

«ҚОНУНДАГИ» ЎҒРИЛАР

Россия Бош прокуратурасининг маълумотларига қараганда, кейинги йилларда МДХ ҳудудда жиноятчилик уртгача 2 баравар усган. Энг катта усиш Россиянинг улшита тугри келади. Кейинги урилларда Белоруссия, Украина, Қирғизистон ва Озарбойжон боришмоқда. МДХда «қонундаги» уғрилар сони 700 нафардан зиёд. Уларнинг учдан бир қисмини славян миллатларига мансуб кишилар, яна тахминан шунчасини грузинлар, 8 фойзини арманлар, 5 фойзини озарбойжонлар ташкил этади. «Қонундаги»нинг асосий қисми Россияни, хусусан Москвани макон этган.

Хорижий матбуот хабарлари асосида тайёрланди

Шинамгина уч хонали уй. Япон телевизор ҳам бор, видеомагнитофон ҳам, касбеталар ҳам бор. Шундан ҳам билиш мумкинки, уйда бошқа гузал жиҳозлар-да жой-жайида турибди. Бу уйда узига тук эру хотин яшашали.

Уларнинг фарзандлари ҳам бор: уч нафар. Иккита угил, битта қиз, исмлари: Илҳом, Илёс, Дилдора. Ешлари ҳам шу тартибда: саккиз, етти, олти яшар.

Бири-биридан пирин, ахил. Дилдора акаларига нисбатан анча зийрак. Қанақа уйин яхшию қанақаси ёмон — ақли етади. Акалари эса «уйин» деганда, яхши-ёмон, деб утиришмайди: уйин бўлса бас. Табиийки, қиз бола эрта етлади, угил бола эса нисбатан пандавақироқ буладики, кейин ақли кирганда: «Э, фалон ишни ушанда қилмапман-да, ақлим қаердайди?» деб юради.

Шу уринда бир мулоҳаза қилиб олайлик: эркак ва аёлнинг бири-бирига, зуррок, қолаверса, болаларга, аниқроғи, бола тарбиясига булган муносабатлари... табиий эмас эди. Зотан улар болаларни уйга қамаб, эшикни қулфлаб кетадилар — эрнинг хаёли хизмат илорасидаги юмушлар ила банд бўлиб, она эса, дейлик, бозорда харидорларни молига жалб этиш учун жон куйдириб вайсаш ва янги мол олиш учун бозорга келган кишлоқи дехқонларни кузатиш — улар бисотини арзонга олиш учун жони ҳалак бўлиб, қисқаси, эр хотин кечқурун уйга қайтишди.

Тавба, уйга кунгироқ қилиб қуйиш, болаларнинг қандоқ утиришгани, нималар ила машғул эканликларини ҳам билиб туришга фурсатлари бўлмади.

Табиий, у усқудан болалар фойдаланишлари: масалан, қушнинг сим қоқиб, Ақмални чақиритишди: «Уйнаймиз» дейишди, болаларнинг энг каттасидан ҳам икки еш катта Ақмал тезда етиб келиб, укачаларига янги-янги уйинлар тоғиб беради... Ақмал ақли, болаларнинг ота-оналари келадиган пайт яқинлашганда, уйга жунаб қолишни ҳам билади.

Шундай кунларнинг бирида туртовлон утиришган эди, Ақмал таклиф қилиб қолади:

— Видио қуямиз. Мен билман... Маза қиламиз. Видио қизик булади...

Видео қуйилади. Экранда тупалон-мушгланув. Болалар қий-чув куйиб томоша қилишаркан, бир пайт қарабсизки, ака Илҳом ука Илёснинг тумшугига тушириб қолди. Илёс йиллаб юборди. Лекин Ақмал уни овутди:

— Угил боласан-ку, Илёс. Қара, қандоқ уларларга чидашволди улар.

Илёс угил курса, Ақмалнинг гапи тугри. Демак, чидаши керак. Йук, узи ҳам акасининг жағига бир тушарса-чи! Ана, тушириб қолди. Илҳом укага ташланди-ю, тагин Ақмал уларни муросага келтирди.

Аммо кейин иккаласини тикка қилиб қуйиб хуп уриштирди. Ака-уканинг оғзи-бурни қонга беланиб, қийим-бошлари ҳам расво бўлди. Кейин Ақмал уларни яна яраштириб қуйди... Зероки, телевизор экрандаги иккита мушгумзур ҳам бир-бирини роса дуппослашгач, яна ҳеч нарса бўлмагандай экрандан чиқиб кетишган эди.

Азизлар, яна бир сония мулоҳаза қилайлик: шу ака-укалар кучага чиққандан кейин мулом тинч юрадиларми? Одобли, бир-бирига меҳрибон болалар бўлиб...

Худди шундай: уларга бунақа мушглануш — ёмон, оқибат яхшиликка олиб келмайди, дейди-

ган киши бўлмагандан кейин аҳчу шундай булади-да.

Бундан ҳам ёмони, масалан, Амрико президентининг хотини Хиллари Клинтон хонимнинг («Бир болага етти маҳалла ота-она» деган китобиди) айтишчи, телеэкранда курсатилган ур-йиқитлар («...болаларни ҳақиқий зурвонликнинг оғриклари ва бузғунчилигига бефарқ қилиб қуяди... Уларнинг хиссий ва психологик ривожланишига тусқинчиқ қилади, бу эса уларнинг хатар ва зурвонликни ҳис этишига имкон бермай қўяди... Оқибат, уларда ен-атрофлагиларга истеҳзо билан қараш қайфиятини шакллантиради...»)

Энди, шу сўзлар устида бир муддат ўйланиб курайлик. Аввало бор, биз бу гапларни билмаймизми? Жуда яхши биламиз. Бола тарбияси бовида — уларнинг ёмонликка эмас, яхшиликка тақлид қилишлари, шунга имкон яратилиши ҳақида ота-боболаримиз

нинг таъсири буйича етук синчи Леонард Эрон: Телевидение зурвонликни уртатади, айни пайтда у еш болаларни ёмонлик билан яхшиликни фарқлай олмайди қилиб қуяди». «Таймс-Меррор» 1993 йили ўтказган суровларга жавоб берган америкаликларнинг 80 фойизи «телевизор, жамият, хусусан, болалар учун катта зарар келтиради», деб ҳисоблайди.

Бу уринда «телевидение» дейилгани билан... телевидениеда намуниш этиладиган зурвонлик ва бузғунчиликка қурилган филмларнинг зарари кузда тутилади. Аммо бошқа курсатувларни ҳам «болаларга филмлар курсатиш» тавсия этилади. Ва бунинг учун ота-оналар масъул эканликлари ўқтирилади.

Қаранг-а, буюк давлат президентининг олма рафиқаси бағри қон бўлиб ёшипти бу гапларни... Бундан шундай хулоса чиқалики, телевизиорни ўчиртириб қуйиш ту-



мин-нинг иллардан буён насирати қилиб ва шу насиратларини Х аср асломаси Боласоғунийнинг «Қутлуғ биллик» («Саодатга элтувчи билим») каби ноидр асарларида қолдириб келаётир. Бу тугрида Қуръони карим ва ҳадис шарифларда ҳам бутун-бутун оятлар ва ҳикमतлар марҳамат қилинган... Наҳотки шунги «мусулмонман, инсонман», қолаверса «болжон узбекман» деган кишилар билишмас экан?

Билишди, албатта. Аммо Навоий ҳазратлари айтганларидек, «Билимга амал қилмаган одам тухум қуйиб бола очмаган товукка ухшайди»ки, ҳазрат бу гапни шу онла ота-оналарига айтиб кетгандек, туге.

Ажабки, бу ҳикमतлар маъносини булар ҳам ақлан билишар экан. Билишар экану...

Энди, Клинтон хонимдан мисол келтирганимизга келсак, бунинг сабаби бор: кино Амриқода яратилди. Дастлабки видеолар ҳам. Ва «зурвонлик»у «секс» тасвирланадиган, демак, қандайдир даражада ташвиқот қилинадиган филмлар бутунга келиб, Амриқо телеэкранларини тулдириб юборибди. Шу хусусда хонимнинг китобларидан тагин иккита фактни қайд қиламиз: «Мичиган университетининг психология профессори, телевиде-

гуд, унинг асурларини узғиртиришда мушқул муаммо (телевизиор — эҳтиёс ахир!) экан. Демак, уни ота-оналарнинг узлари ҳам «Филтрлаб» қурмоқлари лозим, болаларга эса... болаларга минбаъд эҳтиёт будиш шарт ва зарур экан... Акс ҳолда, болалардан «балолар» чиқар экан.

Ажабо, шундоқ ота-оналар ҳам борки, ушандоқ зурвонликни фахш курсатилмаётган филмларни уз фарзандлари билан бирга утириб томоша қилишди ва бунга табиий ҳолдек билалдиган каби туюлади холис кишига.

Холбуки, Клинтон хоним бизнинг-да фикримизни ифодалаб шундай ёзди: «Менинг ишончим комилки, мубодо бирон бегона киши уйингизга келиб, фарзандларнингизга ҳалигидай руллар ва воқеалар ҳақида телевизордаги сингари сўзлар ва тасвирлар билан ҳикоя қила боласиз, сиз уни кучага ҳайлаб боласиз. Чунки сизга оталик ва оналик хисси ушла бегона кишининг гаплари фарзандларнингизнинг ақлий ва ҳиссий саломатлигига зиян етказишидан огоҳ этди...»

Шундоқми, йуқми? Шундоқ экан, ҳой ақли мусулмон, уйлаб курайлик. ...Мана, бизнинг Илҳом, Илёс,

Тарбия

Дилдора ва Ақмалнинг ур-йиқит филмдан кейин юқорида айтганимиздек, бир-бирини бешафқат дуппослай кетишди. Улар шу даражага етишдики, унинг тус-туполонинин чиқариб юборишни туге. Ака укани, ука синглини аямай тушира бошлади. Бир маҳал хонада Ақмалнинг ҳукмона овози жаранглади: «Тухтанлар, энди қолганини эртга давом эттирамиз». Бу пайтга келиб кимнингдир кузи кукарган, яна кимнингдир юзи тилмаланиб булганди. Уйи туридаги курси қаршисида эса Дилдора хупсиз ётарди. Уйиннинг қизиги билан ҳеч қим унга эътибор бермаганими еҳуд ёлгондан етибди, деб уйлашганми, ҳар қалай ҳаммасининг эслари ҳойга қутиши билан Дилдоранинг ёнига югуриб боришди. У чалқанча ётар, бошининг орқа қисми енгилгина ерилган, ярадан чиқаётган қон ошпоқ, жажжи юзларига оқиб тушарди. Ақмалнинг еши бошқа болалардан катта булгани учун «туғри» фикр ундан чиқди. Дилдорани курсига утиригизиб, юзига сув пурқанди. Ярадан оқаётган қонни румолча билан тозалаб артишди. Аста-секин Дилдора узига кела бошлади. Буни қурган Ақмал севиниб кетди. Ҳозир болаларнинг онаси келиши эсига тушиб, кетишга чоғланди. Кета туриб Дилдорага «опангга йиқилиб тушдим, дегин» дея тайинлади...

Биз сизга замонавий эртак еҳуд дидактик эпизод айтиб бераётганимиз йуқ. Балки, замонамизда юз бераётган қушлаб ҳодисалардан бирини суйлаётирмиз.

Бу воқеалар бир шаҳар Прокуратурасида ўтказилган тергов жараёнида аниқланди. Воқеа тафсилотларини бизга шаҳар прокурорининг ердэмчиси А. Вафоев сўзлаб берди. Чунки у...

Бу ёғини кейин биласиз. Хуллас, оналарнинг келиш вақти яқинлашмаётгани билан болалар уйни йиғиштиришга тушишди. Йиғиштириб бўлишди, акалар сингилга Ақмалнинг гапни ўқитишди: «Опанга йиқилиб тушдим, дейсан» дейишди. Сингил рози бўлди. Сал ўтмай улоқчаларини уйда қолдириб, узи улоқча кетган эчкидай она ҳам келиб қолди. Онанинг иши юз—савдо бароридан келган эди. Шунинг учун Дилдоранинг «Опа, йиқилиб тушдим, бошим ерилиб қолди», деганига ҳам пинганини бумзади. Қайтганга «Уймайсан, уйилиб тушмабди-ку!» деб жерки берди. Онанинг мана шундай бепарволлиги қимматга тушди. Бир ҳафта утар-утмас Дилдора эрталаб чой ичиб утириб узиланузи йиқилиб тушди. Она қизини травматология олиб берди. Бирок... Энди кеч эди.

Онанинг — табиатидаги жонзотларнинг тожи ҳисобланмиш инсоннинг уз дилбалдининг парিশон тарзига лоқайд қараганига қийесласак, «О, инсон, — дегимиз келади. — Аллоҳ тало сени борлиқнинг тултожи қилиб яратди. Сенга ҳеч зотда йуқ ақлу фаросатни берди. Сен нега бунчалар ўтмаслашиб қолдинг? Бу инсон номини оқлай олмай қолганинг, пировари, фожанг эмасми?»

Бундай нидо қилишимизнинг боиси шунки, жажжи Дилдора бир ҳафтадан кейин миёсига қон қуйилиб, ҳаётдан куз юмди. Ана шундан кейин шикастабандлар, яъни, травматология болани текшириб қурол, бош суяги қаттиқ заҳа еганини айтишди.

Во ларин!

Асқар РАҲМОН

Ўзбекнинг феъли

Ташқаридан қараганда, чол арава-ни зурга тортаётган қари отга ухшарди. Озгин, нури кетган кузлари маънисиз йилтирайди, боши хийла ерга эгилган!.. Лекин феъл-атвори бунинг акси: сузлари ҳалиям зарбали, кузларидан олайтирса уй-ичи типирчилаб қолишади. Гоҳида болаларининг чала ишидан кунгли тулмай ушқириб ҳам беради:

— Менга нима етишмайди, а? Нима? Уйим-жойим бўлса! Ё давлатим узимга етмайдами?! Қачонгача қулимни косов, соқолимни супурги қилиб, сенларнинг орқангдан юрман-а? Қачонгача?!

Хотини аччиққина чой дамлаб, жаҳлидан тушириб, сунг ётиги билан гап бошларди:

— Дадаси, аччигингиз бурнингизнинг учида-да.

— Куй, чойимни ичай!

— Подшоҳ булганингизда жаллодларга тиним бермаскансиз-да. Болаларга «ҳа» деб зугум қилаверманг, дадаси. Улар ёш бола эмас. Бари мансабли, мартабали.

— Мансаблимиш!!!

— Ҳеч қурса, келинлар олдида пасроқ гапиринг, ҳижолат булишадия.

— Ҳижолат булмайин деса, қул учида ишламасин! Бир чангал ут ташлайдиган бўлса, ярми охурдан ташқарига тукилади. Олифтагарчиликни кучада қилсин!


— Куп хуноб булаверманг, дадаси. Бошқаларнинг болаларини ҳам куриб юрибмиз. Лекин уларнинг саси чиқмайди. Сиз эса булар-булмасга болаларни жеркиганингиз-жеркиган.

— Тилимни қичитма, хотин! Шу моллар бор эдики, қатор-қатор туй қилдим, қатор-қатор бола уқитдим, қатор-қатор келин қилиб, қиз узатдим.

Хотин эрига қараб қуларди.

— Унисини ҳам айтинг. Чала қолмасин.

Чолнинг ҳам юзларида табассум сузади.



— Илонсан-да, хотин, илон! Уладиган одам молни уйлармиди. Бунни узинг туқигансан.

— Ишонмасангиз ишонманг. Ҳаммамиз умидимизни узиб турган бир паллада васият бошладингиз. «Мен



дан сунг моллар хор булади, жасадимни охурга куминлар», — деб.

— Майли, рост бўлсин. Лекин бунинг нимаси кулгили? Арқонимизга шулар қил булмади? Йиртигимизга шулар ямоқ булмади?

— Тугри, бари шуларни силаб-сийпашимиздан бўлди. Аммо у кунлар утди. Худога шукур, болалар улгайди, уйли-жойли бўлди. Уз-узидан кунгайиб, тиниб-тинчиб кетди. Энди сиз ҳам бироз оёқ-қўлингизни узатиб, қилган хизматларингизнинг роҳатини ҳам кури-нг дейман-да.

— Узим ҳам шу фикрдаман, хотин, лекин бир ният тинчлик бермаяпти.

— Яна ками бор денг?

— Бор, хотин, бор. Невараларни йигиб, элга бир туй берай дейман.

— Сизни орзуларингиз қаритди, дадаси.

— Ростини айтсам, хотин, анча туй

қилдигу, лекин ҳавасларим ичимда қолиб кетди. Бирининг бошини қовушгирсам, иккинчиси тайёр буларди. Учинчисининг қарзидан қутулсам, туртинчисининг буйни қийшайиб турарди. Нима дейсанки, хотин, ҳимматим баланд бўлса-да, қулим калта эди. Энди-энди узимни унглаб олдим. Қариган чоғимда орзуларимни ушалтирмоқчиман. Болаларимга узиб беролмаган юлдуз-ни энди невараларимнинг бошидан сочмоқчиман.

— Илоҳо, айтганингиз келсин!

— Бирон марта сузимни қайтар, хотин, шу баҳонада бир савалай. У дунёда «хотинимни урмай утдим» десам, мункарнақирлар ишонмайди.

— Парво қилманг, узим тувохликка утаман.

— Тиллосан-да, хотин, тилло! — чол суюниб, хотинига суйкалди.

— Бир қарасанг баҳор, бир қарасанг чилланинг аёзи... Нарироқ туринг, қариганда қилиқ чиқармай!

— Қари от ем емайдами, хотин, — чолнинг қузи ташқарига тушиб, беихтиёр ушқирди, — сенинг болаларинг одам булмади-булмади-да! Боғланг сиғири яна бўшалибди. Ғайрат! У-у, Шухрат!

Ташқаридан жавоб булмагач, чолнинг узи турди. Хотини унинг ортидан табассум билан қараб қолди...

Чоршанби ДЕҲНАВИЙ,
Денов тумани

АҲМАД СЕВГИ
(Туркия)

ЎЗБЕКИСТОНДА

Мархабо, эй бузрук,
Мархабо, гузал Тошкент.
Ташкич, бу тупроқларни мен ҳам
танидим.
Бир қушининг боғига қирган каби
роҳатланиб,
Урта Осиёнинг бу эрларига узалдим.

Мархабо, яшиллик,
Мархабо, болалик йилларимнинг
Кўнеси.
Худди шундай кук юзини мен ҳам
танидим.
Учиб утган турналар билан тиллашиб,
Тошкентнинг гузаллигига ишондим.

Мархабо, гузал туркчам,
Мархабо, ҳилтираётган менинг
байроғим.
Мен бу ўзбекчини дарров танидим.
Асир қилди кунглимни Алишер Навоий
Унинг «Девони»ни уқиб, куйиб-ендим.

Мархабо, ибодилгим,
Мархабо, тарихдан тарихга кучан эй,
длер.
Пахта чопон кийганларни мен дарров
танидим.
Ҳар ўзбекча қалима-бир дуст саломи,
Ҳазин куйларга мен Анадолинга
қургандай бўлдим.

Мархабо, тилсимли гузаллик,
Мархабо, чинисоҳлар дилери.
Бу мейморий асарларни мен ҳам
танидим.
Самарқандга, Бухорога, Хивага,
Узини салжук асарлари қулга касилга
юргандай сездим.

Мархабо, Амир Темур,
Мархабо, эй буюк жаҳонгир,
Ҳазилинг қўйилган мақбарани мен ҳам
танидим.

Юз йилларча уйқудан кейин,
Ўзбекистон тупроқларида уйғондим.

Туркчадан Мирвази Мирғани
Аъзам таржимаси

Шайхо АХҲОРОВА



БИР СЎЗ

«Мен бошқани...»
Шу бир сўздан қонга муз тушиб,
Ғижимлади танини қалтироқ,
Пешонамдан титраб туз тушиб,
Дил уйдан кучди лойсувоқ,
Товонимдан узалди титроқ —
Пойи-замин муздай бошлади,
Юракдаги қушлар ҳирқирок
Қор тилига сузлай бошлади.
Менга қараб қунишар оқшом,
Дилдиррайди ёнимда куним.
Қуллогимда бошларим бурон,
Чирсиллайди бутимда улим.
Жуфтанинг ростлади қуеши,
Қурпасига бурқанди хилол.
Киприкда осилиб қотди еши,
Биргина сўз шунчалар завол.
Сунг илтижом: бир боқиб кетгин,
Майли мангу сунг муздаб қолай.
Сунг бор, ахир совқотиб кетдим,
Нилоҳингда исиниб олай...

Қўлларингда юрагимнинг қонин ичай,
Дил ёшларим ҳовучинга тулган қўллар,
Мендан кечсанг, жон деганим, жондан
кечай,
Улдирсанг, шу қул тубига босиб улдир!

Кук тоқидан тун туқилсин қабоғимга,
Қўзларимдан қолдуз томсин милдир-
милдир.
Ой нуридан сиртмоқ солтин томоғимга,
Улдирсанг, гар, жоним, Ойга осиб
улдир!

Чанглимда харсанглардан сувар
томсин,
Танлаганим — товонимни тешар
йулдир.
Тонар бўлса, тақдиримдан толе тонсин,
Кунглимизни боғлар ипини кесиб улдир!

Сени суймоқ гуноҳ бўлса, кўп гуноҳим,
Қонларимда гуноҳ оқар шидлар,
шидлар.
Сунти нило, сунти утинча, сунти оҳим:
Сенга берган юрагимни қушиб улдир!

ҲАЗИЛНИНГ ТАГИ...

Қисмат

Ҳурматли таҳририят!

Газетанинг 1997 йил 44-сонида чоп этилган «Увол кетган жон» сарлавҳали мақолани уқиб жуда таъбирландим. Мақолада ёзилишича, Гуландом уз инсоний қиёфасини иуқотган қайноғасини улдиради ва жиноий жавобгарликка тортилади. Қонун-қонун-да. У жиноят қилди ва жазосини олди. Лекин масаланинг моҳияти бу ерда хийла чуқурроқ. Гуландом қайноғасини атайлаб улдирмади, балки аёлик номусини, инсонлик шаънини ҳимоя қилди.

Мен Гуландом билан қисматдошман, десам булади. Менинг ҳам қайним руҳий касал, эс-хуши қи-

рар-чиқар эди. У тортинмасдан ноҳужа ҳатти-ҳаракатлар, беҳушов ва совуқ қилиқлар қиларди.

Гоҳо қутилмаганда қулоқ остидан бақириб-чақириб одамнинг утакасини ергудек булар, гоҳо эса менинг сочларимдан тортарди. Бундай пайтларда албатта мен узимни олиб қочардим. Охири, унинг қилиқларини акасига — эримга айтишга мажбур бўлдим. Аммо эрим «Калта уй бузма, қайин булгандан кейин ҳазиллашади-да», — деди пинагини бузмай. Бунга қайнонам ва қайнотам ҳам парво қилмади.

Эримни яхши қурадм, эримнинг менга муносабати ҳам ёмонмасди. Лекин у мен бошимдан кечираётган ташвишларга шунчаки бир гап, деб

қаради. Қайним эса ҳамон менга тетажоглик қилар, сал буш келсам ҳеч балодан қайтмасди. Жонимдан туйиб эримга бир неча маротаба бу ердан кучиб кетишни маслаҳат солдим, у намади. Сунг ноилож, ажралишга аҳд қилдим. Гарчи, Худо бу ишни хуш қурмаса-да шундай қилишга мажбур бўлдим. Чунки, узга илож йўқ эди. Токи мақола қаҳрамони Гуландомнинг ҳолига тушмаслик учун шу йўлни танладим. Қолаверса, ҳазилнинг таги зил булишидан қурқдим.

Билмадим, адашдимми ёки туғри қилдимми?

Гулнора ҲАМИДОВА,
Қарши шаҳри

«Оила ва жамият» газетаси
Ф-168

Форматли 20 тонна қоғоз сотиб олади
Тел: 133-28-20, 34-86-91

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани 42-мактаб томонидан Александрова Светлана Владимировна номига берилган АО № 223362 урта маълумоти тугрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар, А. Икромов туманидаги «Аш-Шахид» хусусий фирмаси **туғатилади**
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.
телефон: 46-80-39, 46-46-05



Хурмати МАХМУД ака ва хотини ОМИЛАХОН!
Сизларни туғилган кунингиз билан табриклаймиз. Сизларга соғлиқ, узоқ-умр, оилангизга тинчлик, ишингизда ривож тилаб
Шомуҳтдиновлар оиласи номидан Атҳам, Шоҳида



Хурмати МАСНУРА ая
Сизни таваллуд айемингиз билан муборакбод этамиз. Оллоҳ Сиздан шуурли кунларини ҳеч қачон даринг гутмасин.
Фарзандларингиз ва набираларингиз



Шондан аёл алажотимиз Гулнора ИБРАҲИМОВА!
16 январ — таваллуд кунингиз билан чин дилдан муборакбод этамиз. Сизга дарёғар каби узоқ умр, мобий куклек мусаффо ҳаёт тилаймиз. Бахтимизга ҳамisha соғ-омон бўлинг. Хонадонимиз турини абадий туддириб туринг.
Турмуш ўртоғингиз ва фарзандларингиз Коми.лжон, Ғолибжон, Нодирахон



Ўтавалдимиз ШАҲНОЗАХОН!
15 январ — таваллуд топган кунингиз билан кутлаймиз. Бахтимизга доим соғ-омон бўл, мурғак қалбинг асло ғам-андух нелигин билмасин, доим кувончу шодлик ичра яшагин.
Сени севувчи отажонинг ва онажонинг



Мухтарам Эркин ШОҲОСҶУВЛАНИ муборак 60, Ойдин ШОҲОСҶУВЛАНИ эса 50 ёшларингиз билан самимий кутлаймиз.
Турт фарзандни устирган, бугунги кунда саккиз набиранинг суюкли буважони ва буважони булган бўлажойб инсонларга узоқ умр, соғлиқ-саломатлик, оилаларига тинчлик ва фаровонлик тилаймиз. Яна узоқ йиллар фарзандларингиз роҳатини куриб, шу серфайи оила турини туддириб юрсинлар.
Хурмат билан фарзандлари, неваралари ва ҳамкасблари



Хурмати ва ариқлик алажотимиз Ашрафжон РАҲМАТҲИЛЛА ҲАЛА!
Сизни муборак ҳаж сафарингиз ҳамда 19 январ — кутлғ 60 ёшингиз билан кутлаймиз. Оллоҳ умрингизни узоқ қилсин, бахтимизга соғ-омон юринг.
Турмуш ўртоғингиз Насиба, фарзандларингиз Дурдона, Гулноза, Аброр, Мамлакат, Гулнора, Назолат

ОИЛА ҲАМ БИР ДАВЛАТ...

«Ўқитувчи» — мамлакатимиздагина эмас, балки Марказий Осиёда нуфузли наشريётлардан бири саналади. Мазкур наشريётнинг умумий педагогика ва психология адабиётлари тахририятида одоб-ахлоқ, оилага дахлдор ўнлаб рисолалар чоп этилган. Яқинда муҳбиримиз ўша тахририят мудири, таниқли шоир, олим Сафо Очил билан мулоқотда бўлиб қилинган ишлар, бўлим режаларига оид фикрларини ёзиб олди.

— Инсон одоби билан гузал, дейдилар. Шу уринда 1998 йилнинг «Оила йили» деб эълон қилиниши ҳам бежиз эмас. Хуш, инсон одоби қай жойда шаклланади? Биринчи навбатда оилада, албатта, ота-она фарзандига рисоладагидек тарбия берса, уни болалиқдан тertaб борса, бирор касб-ху-

нарга йуналтирса, бу, албатта, фарзанднинг келгуси ҳаётида самара курсатади.
Тахририятимизда чоп этилаётган «Одобнома» дарсликлариди биз масаланинг худди шу жиҳатига агрофлига ёндошамиз. Мазкур дарсликларга шарқона рух сингдирилади, халқ донишмандлигидан кенг фойдаланилади.
Қизил империя ҳукм юритган замонларда ислом фалсафасини кенг миқёсда урганлиш, тасаввуф таълимоти моҳиятини очиб бериш масалалари тақиқлаб қуйилганди. Эндиликда эса бу мавзуга оид ўнлаб китоблар нашр қилинмоқда. Хусусан, таниқли сузучи ва олим Маҳкам Маҳмуднинг «Ахли дил» номли китоби укувчиларга тақдим этил-

ди.
Жамият тараққиети ва маънавият равнақи оилалан бошланади. Чунки жамият билан ҳамнафас ҳар инсон дастлаб оилада шакллана бошлайди, қолаверса, маънавий-ахлоқий қуниқма ва малакалар шу муътабар даргоҳ тарбияси остида вужудга келади.
Яна бир нарса. Ҳозирги техника тараққиети асрида болага «ундоқ қил, бундоқ қил» қабилдаги қуруқ насихатлар билан бирор нарсага эришиш қийин. Шунинг учун бола тарбиясида ота-оналар, мураббий-муаллимлар, энг асосийси, болалар учун турли жанрлардаги, чунончи, бадий-педагогик, илмий-педагогик, методик асарлар чоп этиш зарур. Тахририят ишлари худди

шу йуналишда ташкил этилган.
Ҳозирги кунда, бозор иқтисодиетида босқичма-босқич гуллаётган бир даврда китобхон талаб-истакларини инобатга олиш керак. Акс ҳолда китоблар сотилмасдан, дукон пештахталарида бир печа йиллаб қолиб кетиши мумкин. Мақтанмиш эмасу, бир нарсани очик айтмоқчиман. Тахририятимизда чоп этилган китобларга талаб катта бўлаяпти. Масалан, угтан йили бoғчаларнинг катта гуруҳларида мулжаллаб чиқарган «Бадий терма китоб» қисқа муддат ичида сотилиб кетди. Ҳатто шу китобни суроқлаб нашриетимизга қалам ранжила қилаётганлар ҳам бор...
Юқориди айтганимиздек 1998 йил «Оила йили» деб эълон қи-

линди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки узбек халқи азал-азалдан болажон халқ.
Демак, бу йил оила масаласига янада купроқ эътибор берилади. Тахририятимиз режасида бевосита шу мавзуга атоқалор китоблар ҳам бор. Шулардан бири «Кунгил фаршаси» рисоласидир. Бу рисола таниқли адиба Саломат Вафо қаламига мансуб. Муаллиф ҳикоя ва бадиаларида инсон қалби қирраларини акс эттирган, ота-онага меҳр-муҳаббат курсатиши жоизлиги, севги тушунчалари муқаддаслигини узининг бадий талқинини топган.
Биз янги аср рубарусида турибмиз. Шундай экан олис замонларга муражаат қилиб, ана шу теран илдишлар моҳиятини очиб бермоғимиз лозим. Бу биз ноширларнинг бурчимиз.




Манзил: Тошкент, Содиқов кўчаси, 9.

«ТОШКЕНТ ЛОК-БУЁҚ ЗАВОДИ»
Марказий Осиёда шу турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган ягона корхона. Бу соҳада 50 йиллик тажрибага эга.
Буёқ идишидаги қоғозда цехнинг тартиб рақами, фамилия, ой ҳамда йил курсатилган бўлсагина ҳақиқий завод маҳсулоти ҳисобланади.

СОТАДИ (нархи бир тоннаси учун, кўшимча қиймат солиғи билан бирга)

- Саноат маҳсулотлари:
- НЦ-219 локи, мебел учун-298.000 сум.
 - БТ-51 локи-41.300 сум.
 - «Оксол» олифи-150.000 сум.
 - ПФ-115 эмали, кук, туқ жигар, туқ яшил, пистоқи, қизил, қора рангли - 160.000-220.000 сум.
 - ПФ-266 эмали, сарғиш жигаранг-212.400 сум.
 - ПФ-191 оқ эмали - 242.000 сум.
 - ПФ-223 оқ эмали - 224.000 сум.
 - ПФ-1147 эмали, туқ яшил;
 - Йуларда хошия чизишда ишлатиладиган эмал- 177.000 сум.
 - Том учун буёқ - 153.400 сум.
 - КЧ-2141 эмали, оқ, очик кук, очик пистоқи;
 - МА-22 буёғи, очик кук - 200.600 сум.
 - ВД-АК-229 сув-эмульсия буёғи, оқ -73.400 сум.
 - ГФ-0163 -118.000 сум.
 - КБ буёғи - 35.400 сум.



- Халқ истеъмоли моллари:
- ПФ-223 оқ эмали, 4 кг.ли идишда - 218.300 сум.
 - ВД-ВА-2245 буёғи, оқ, 5-7 кг.ли идишда;
 - ПФ-266 сарғиш жигаранг эмал, пол учун, 3 кг.ли идишда - 212.400 сум.
 - ПФ-191 оқ эмали, 3 кг.ли идишда - 242.000 сум.
 - «Оксол» олифи - 150.000 сум.
 - Том учун буёқ - 160.000 сум.

Чекланмаган миқдорда сотиб олади:

- Глицерин; -Метал цинк;
- 0.8 КП.ли пўлат тунука, 0,5 мм, 0,8 мм, 1 мм;
- Пантэаритриг; -Фтал ангедрид;
- № 25 ли оқ тунука; -Пўлат чиқитлар (лом);
- Пўлат тунука, қалини.

ТЕЛ: 68-79-45

ТЕЛ: 68-73-32, 68-39-74, 35-34-51

ШАХСНИНГ ШАЪНИ

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 6-бандидаги 135—140-моддаларида фуқароларнинг шаъни, қадр-қиммати ва озолигига қарши жиноятлар учун жавобгарлик курсатилган.

Амалиятда мазкур жиноятларнинг туҳмат, ҳақоратлаш каби турлари кенг тарқалган.

Ушбу турдаги жиноятларни содир этган шахс ҳар бир фуқаро учун муқаддас булган шаъни, қадр қиммати камситган ҳисобланади.

Жиноят Кодексининг 139—140-моддалари 3 қисмдан иборат бўлиб, 5 йил муддатгача озоликдан маҳрум қилиш курсатилган.

Сирдарё туманидаги Ж. Маманов номи жамоа ҳужалигида яшовчи Комилжон Панжиев спиртли ичимликлар истеъмол қилиб, маст ҳолатда узининг турмуш урғоги Гулнора Панжиевнинг шаъни, қадр-қиммати камситиб ҳақорат қилганлиги учун туман суди томонидан

1997 йил 4 март куни жаримага тортилди.

1997 йил 14 апрел куни К. Панжиев яна спиртли ичимликлар истеъмол қилган ҳолда турмуш урғоги Г. Панжиевани камситиб, ҳақорат қилганлиги учун унга нисбатан Жиноят Кодексининг 140-моддаси билан жиноят иш кузатилиб, тергов ҳаракатлари тасмоллангандан сўнг туман судига мазмунан куришлик учун юборилди ва у сулланиб, тегишли жазосини олди.

Шахснинг шаъни, қадр-қиммати ва озолигига қарши жиноятларнинг содир этилиши ҳождарининг олдини олиш масалалари ҳуқуқни муҳофаза этувчи идораларнинг доимий диққат марказида турибди.

Шухрат ҲАЙДАРОВ,
Сирдарё туманлараро
прокурори муовини

Қаранг-а

ТЕРГОВ

Истеҳзо

Бутаёрнинг оғилхонадаги боғлоқ турган сиғири йўқолди. Аввалгига у роса қидириб қурди. Наф чикмагач, милласага хабарлади. Милласа қимдан ғумсонрашини суради. Бутаёр ҳам қишлоқлари Темир ва Аҳтамини айтди. Аслида қишлоқда ҳеч ким бу икки йилнинг уғрилигини қурмаган, эшитмаган, лекин нимагадир шулардан шубҳаланишарди. Очиғи, уларнинг худки бунга йўл очиб берганди.

Хуллас, милласа икковини ҳам олиб кетди. Лекин Аҳтамининг отаси нима қилди — нима қурди, углини чиқариб олди. Темирнинг отаси эса бормадди. «Уғирлик қилган бўлса, жазосини торсин!» деди. Фақат онаси... ҳар борганида бир ҳовуч кул бўлиб қайтарди.

— Айтдим-а санкиб юрма, деб! — оназор гоҳида чидаёлмай углини койирди. — Саёқ юрган таёқ ейди дегани шу-да! Одами борнинг ошиғи олчи! Сенинг киминг бор?! Аканг

бўлмаса, уқанг бўлмаса... Балки шайтон йўлдан урганлир, болагинам. Хабаринг бўлса, ростини айт. Узингга жабр қилма!

— Хабарим йўқ, ойи. Ростини айтсам ишонмаса, мен нима қилай!

— Билмайман, болам, билмайман! Аросатла қолдик! Бундақада тамом бўласан, болам!

Темир эрка усган эмасми, бир ойда озиб, чуп бўлиб қолди. Охири, сиктовларнинг зуридан «айби»ни буйинга олди. Лекин тергов тугар-туғамас қолхоз бедапоясидан сиғирнинг жасади топилди. Комбайнчиларнинг айтишича, сиғир бедалан букки улган экан...

Чоршанба БОЙБЎСИНОВ,
Сурхондарё вилояти,
Тошлоқ қишлоғи

Бой булишни ким ҳам ёқтирмайди дейсиз? Балоғат ёшига етмаган М. Намозовнинг миёсида шу уй-хаёл қурғошиндай қотиб қолди-ю, ҳатто тунлари уйқуси қочиб кетадиган бўлди. У бу ниятини тенгдоши О. Ивановга айтганди мойдек ёқди. Энди икковлашиб бойиш учун бош қотирилди. Нима қилишса бой бўлишди? Меҳнатга буйин тоблашлари қийин. Урганмаган-да. Қолаверса, ҳалол ишлаб қосаси оқарган, бири икки булганлар камлан-кам. Она суғи оғзидан кетмаган зумрашаларнинг ақли етган нарсани қаранг.

Хуллас, тенгқурлар уйлаб-уйлаб бой булишнинг осон йулини топишди. Шумоқсадда жиний тил бириктиришди ҳам. Улар тул ярмидан утиб, одамлар ширин уйқуга кетганда «ов»га чиқишди. Боёқчилар «ов»лари бароридан келиши учун шу пайтани қулай фурсат топишган бўлса ажаб эмас. Тенгқурлар девор оша бетона одамнинг уйига уғирликка кириб, саксон минг сўмга яқин мол-мулкни умаришди. Дастлабки «ов»лари бароридан келганидан димолари чоғ, даромад ҳам чакки эмас. Уғирланган молларни тугри, М. Намозовнинг уйига келтирилди. Шундан кейин М. Намозов оғзининг таноби қочиб отасига уз «қаҳрамон»ликлари ҳақида гуллаб қуяди. Бунинг эвазига отаси уни си-

лаб-сийпалайди, «яшавор, ота-уғил» дея елкасига қоқиб эркалатади. Бундай меҳр-мурувватдан кейин эркатой уғил чойга тушган қандлик эриб кетди-да, оқизмай-томизмай булган воқеани гапириб беради. Уғирлик бобила кузи пишиб, суяги қотган ота углининг ҳикоясидан уша уйда умариш мумкин булган яна куп нарсалар қолиб кетганлигини ҳис этади. Ана шу уй-хаёл уни тинч қўймайди. Минг қилса ҳам боланинг иши чала-да. Бу гал ота уз фарзандини ҳаром йўлга бошлади. Аммо...

Албатта қинғир ишларни узига касб-кор қилиб олган ва вояга етмаган фарзандини жиноятга жалб этган отага нисбатан одил суд ҳукми чиқарилиди. Энди у зоқ йиллар бола тарбияси билан шугуланмаслиги ҳам аниқ. Аммо уғри ота сабоғини олган фарзанднинг тақдирини нима кечадди? Унинг «устоз»и изилан бормаслигига ким қафолат бера олади?

Бола тарбияси позик ва мураккаб масала. У энг аввало оилада юлжа етди, камол топади. Бола яхши-ёмон ҳислатларини ота-онадан олади. Оиладаги соғлом муҳит, узаро муносабатлардаги ҳурмат из-заглар ҳам фарзандлар тарбиясида муҳим аҳамият касб этади.

Хожарой ИСМАТОВА,
Бекобод шахри

БОЛАНИНГ ИШИ ЧАЛА

лигининг ёмонлашуви эмас, балки ижтимоий-иқтисодий муаммолар бош сабабчидир. Биологик йўл билан ижтимоий муаммоларни ҳал этиб бўлмайди, бу битта фарзандни тарбиялашга қурби етадиган оилани учта фарзанд қуришга мажбурлашдай тап. Тугри, гириллаш йўли билан авлодларни соғломлаштириш мумкин. Лекин бу нарса оилавий ҳаётнинг барча нормаларига зид

Дунё миқёсидаги муаммо

дунёқараш, янги қонунлар шаклланиши керак. Бусиз ҳеч иложи йўқ.

Бугунги кунда Россия Федерациясидаги ҳар турт оиланинг биридагина иккита бола бор, ҳолос. Тугилишининг камлиги буйича Россия Италия ва Испаниядан кейин учинчи уринда бораёпти. Бошқача айтганда, ҳар бир оилага уртача 1,28 нафар бола туғри келади.

Гарбда қайд қилинмаган (яъни оиласиз) никоҳлар сони ортиб бораёпти. Бундай «эр-хотинлар» одатда фарзанд қуришни исташмайди. Тирноққа зор булгани учун, наҳот истаб шифоналарга мурожаат этаётганлар миқдори ҳам озаймоқда. Булардан қуринадики, фарзанд замонавий оилалар учун асосий мақсад, интиқлик билан қутиладиган меҳмон бўлмай қолди. Тадқиқотларнинг курсатишича, 2050 йилга бориб ер шарида иккитадан ортиқ фарзанди булган оилалар умуман қолмас экан.

Депопуляция туфайли ҳар 25 йилда мамлакат аҳолисининг дастлабки миқ-

доридан тенг ярми вафот этиб кетаверади. Шу туфайли келажакда масалан, Германия немисларсиз, Франция французларсиз қолиши мумкин.

Худди шу пайтда генетикаларимиз яратган чатиштириш ва инкубация усули жуда қул келади. Ҳуқуматларнинг қонунлар, тарғибот воститалари орқали кишиларни оила қуришга, фарзанд қуришга тарғиб этишларига эҳтиёж қолмайди. Катта конвейердан худди пойфал экуд қўйлак сингари бир хил андоза ва қоллидаги болалар чиқарилаверади...

Нақадар даҳшатли манзара: маълум бир ота-онанинг эмас, инкубаторнинг, умумининг болалари. Улар бир вақтнинг узида ҳамманики, шу билан бирга ҳеч кимники эмас.

Ҳали ҳам кеч эмас. Инсонлар жаҳолатдан қочиб, ақл қуларини ортиб, фарзандлари иқболи, миллат ва умуминсоний келажак турисида қайғуришлари керак. Токи, Ҳазрати Инсон ҳам сунъийлашиб қолмасин.

«Семейный совет»
газетасидан
қисқартириб олинди

Бу офатни эпидемия, ядро уруши ёхуд метеорит қулашининг оқибатлари билангина солиштириш мумкин. Уни ҳеч ким қутмаган эди. Гап бутунжаҳон оила инқироси ҳақида бораёпти. Тугилишининг камайиши туфайли бутун-бутун қишлоқ ва шаҳарларни йўқ бўлиб кетишдек даҳшатли келажак кутаяпти.

Бундан йигирма йиллар бурун собиқ шурулар мамлакатининг биолог олимлари галати тажриба утказишди. Иккита оқ ва қора сиқонларнинг қорнидан ривожланишнинг дастлабки босқичидаги ҳомилаларни чиқариб олиб, бир-бирига чатиштиришди ва яна бачадонга жойлашди. Ушбу чатишмадан гиридсиқон туғилди. Унинг териси худди зебрага ухшаб оқ ва қора йўл-йўл билан қопланганди. Худди шундай тажрибани инсонда ҳам утказиш мумкин. Бу эса наслий касалликларни даволаш имконини беради. Тасаввур қилинг: ҳомилаларликнинг дастлабки даврида уруғнинг наслий касаллик билан зарарлангани аниқланса, унга соғлом эр-хотиннинг ҳомил

ла уруғи чатиштириб юборилади. Натияжада соғлом насл касалланганини сиқиб чиқариб, соғлом бола туғилади. Мана шундай гиридрилаштириш — чатиштириш йўли билан аста-секин йўқолиб бораётган кам сонли халқларни сақлаб қолиш, маълум лойиҳа асосида «супер одам»ни яратиш ҳам мумкин. Холливудининг Шварценеггер ва Дино де Вито иштирокидаги «Эгизаклар» фильмидаги беш нафар ҳар хил характер, турмуш тарзи ва дунёқарашдаги эркақларнинг уруғларини чатиштириб яратилган эгизакларни эсланг.

Бир қарашда хаёлот ва фантастика бўлиб туюладиган бу жараёни Москва Давлат университетини профессори А. Антонов шундай изоҳлайди.

— Уруғларни чатиштиришнинг наслий касалликларни йўқотишдаги аҳамияти катта. Шу йўл билан соғлом авлод яратиш мумкин. Лекин уни бошқа йўналишларда қуллаш салбий ижтимоий оқибатларни келтириб чиқариши табиий.

нинг 60-йилларидаёқ бу давлатлар туғилиш, оилалардаги болалар сонининг кескин камайиши, улимнинг туғилиш даражасидан ортиб кетиши даврига қадим қўйди. Фанда «депопуляция» деб аталадиган бу жараёнга экология ва одамлар саломат-



БОШҚОТИРМА


ЭНИГА:

4. Бизга қушни булган давлат пойтахти. 6. Металл, қотишма. 8. Р. Капурунинг машҳур фильми. 9. Бир хил касбага одам. 11. Хат, мактуб. 13. Бу миллат вакили бизни «орқалош» дейди. 16. Сузлар туплами. 19. Бу шаҳар номи уй-рузгор буюми номига ухшаш. 20. Чизмачиликнинг асосий қуроли. 21. Отларга «оёқ кийим». 22. «Малика»да — трикотаж, «Юлдуз»да — кийимлар, «...»да чарм буюмлар. 23. Дунёқарашни, гоёси билан бирлашган кишилар гуруҳи. 25. Жаҳаннам. 26. Узбекистонда — сум, Афғонистонда — ... 27. Баззида аксизлик тимсоли булган ҳайвон. 29. Урта Осиё халқларида бахши-шoir... 31. Бу спорт саройида купинча концертлар утказилмоқда. 34. Хунарманд. 35. Уч, хун. 36. Қимматбахо тош.

БҲЙИГА:

1. Мерос эгаси. 2. Чегаралари аниқ булган ер, жой. 3. Фаргона водийсидаги шаҳар. 5. Сезги билан ҳиссий билишни ташкил этувчи психик жараён. 7. Эчкининг эркаги. 8. Шимолда — тундра, Америкада — прерия, бизда — ... 10. Тундраликларнинг уй ҳайвони. 12. Географияда Ер пустининг бирор жиҳатдан ухшаш булган узун қисми. 14. Бу шаҳарда фақат учтагина сув манбаи мавжуд. 15. Оқил, олим одам. 16. «Муйлов»ли балиқ. 17. Урта Осиёдаги қадимий тарихий давлат. 18. Бу сабзавот фақат бардан иборат. 24. «Тухмат»га маънодош. 27. Хайр — садақа. 28. Бунга билим ва меҳнат талаб қилинади. 29. Ишқ дардида дучор булган киши. 30. Катта дарёга қуйилувчи кичик дарё. 32. Чойнак доим унга таъзим қилади. 33. Ҳижрий йиломадаги ой номи.

Бўш вақтингизда



«ИШҚИМ ТУШДИ... СТУЛГА»

Ажабо!

УЙЛАНМАГУНЧА УЧРАШМАСИН!

Англиянинг Прейстен шаҳрига гипнозчи келиб томоша кўраётганда, эр-хотин Никсонлар «томошадан ут чиқишини» хаёлларига ҳам келтирмаганди. Жаноб Алан Никсон гипнозчининг қобилиятини узидя сынаб куриш учун саҳнага чиқди. Гипнозчи эса уни сеҳрлаб, саҳнадаги стулни гузал хоним, деб таърифлай бошлади. Бечора Алан томошабинларнинг қаҳ-қаҳаси остида аввалгига стул билан обдон рақсга тушди, сунг... уни ютоқиб ута бошлади.

Шундан бериям орадан бир ойдан зиёд вақт утди. Алан Никсон эса ҳануз гипноз ҳола-

тидан тулик чиққани йўқ. Шунинг учун у гоҳи-гоҳида стул, кир ювадиган машина, кийим илгич каби анжомларнинг «қу-нлигига йўл топиш учун» гул, ширинликлар ҳадя этиб қолади. Хотинига эса гуё кераксиз матоҳдек муносабатда бўлади, у ҳар қандай эркакнинг эҳтиросини кузгатадиган қилиқлар қилса ҳам бепарво тураверади.

Бундай ҳолдан безор булган эр-хотин Никсонлар гипнозчинини судга бериб, уларнига етказилган маънавий зарар учун товоп пули ундириб олиш ниятидлар.

АҚШда Федерал қонушлардан ташқари, ҳар бир штатнинг узига хос қонушлари борлиги яхши маълум. Масалан, Айдахо штатида амал қиладиган қоидага қура никоҳдан утмаганларнинг жинсий алоқада бўлиши мумкин эмас. Қонунни бузганлар суднинг қора курсисига утиради. Яқинда штат судида қонунни менсимай интим муносабатда бўлаётган пайтда ушланган икки ёшнинг иши курилди. Ун-

олти ёшли усмир ва унинг 17 яшар маънуқасини судя 30 кун қамоқ жазосига маққум этди. Бу ҳам кам куридимми ёки бошқа ёшларга урناق бўлсин деди-ми, ишқилиб, у бечора қонушбузарларга уч йил давомидя спиртли ичимликлар ичиш ва чекишни ҳам тақиқлаб қўйди. «Биз оилани муқаддас, деб ҳисоблаймиз, — дейди судя жаноблари. — Шу сабабли ҳаётга енгил-елли қаровчиларга нисбатан доим зарур чораларни кураими».

«АЙЛТАН СЎЗИНГДАН ҚАЙТМА!»

Жаҳон кулади

— Кимни буйдоқ дейиш мумкин?

— Уйқусида қўрқмасдан гапираверадиган эркакни.

— Хотининг овқат пиширишни биладимми?

— Овқат пиширишни биладиқу-я, лекин унинг пиширганини селмайман-да...

Ёш десантчи командирдан сурапти:

— Буларашот қандай очилади?

— О-о-о, бу энг сунгги намунадаги парашют! Унда илгакни тортиб утиришнинг ҳожати йўқ. Ерга кучли зарба билан урилишдан узидан очилиб кетади.

— Бу қиз нега шу пайтгача турмушга чиқмаган?

— У орзусидаги йигитни изляпти.

— Қанақа экан уша орзусидаги йигит?

— Узига уйланишни истайдиган ландавор-да.

— Гувоҳ, айтинг-чи, — суради судья, — бу эр-хотиннинг орасига совуқлик тушганини уз қўзингиз билан курганмисиз?

— Албатта. Ахир, уларнинг туйида никоҳ машинасининг ҳайдовчиси эдим.

Эр эрталаб туриб деразани очди ва тоза ҳаводан туйиб

нафас оларкан деди:

— Бугун ажойиб кун буладиганга ухшайди.

— Нима қипти? — ҳайрон бўлди хотин.

— Нега нима қиларкан?

Ахир, узинг ажойиб кунларнинг бирида сени ташлаб кетман, дегандинг-ку. Энди сузингдан қайтма-да.

— Эшитишимча, уйланибсан?

— Ҳа, уйландим. Миллионернинг қизи билан танишиб қолдим. У йилига қўйлак тиктиришга 20—30 минг доллар сарфлар экан.

— У билан қийналмаяпсанми?

— Уни бошимга ураманими? Тикувчисига уйландим.

— Азизим, туйимизгача «сен учун узимни утга ташлашга тайёрман», — дер эдинг. Энди жимсан? — суради аёл эридан.

— Нима, мен сента ут учирувчиманми?

Врач қабулидан келган аёл эрига деди:

— Врач менга денгиз буйида дам олишни маслаҳат берди. Сочини танласамми-кан, Ялтанми?

— Менимча, бошқа врачни танлаганимиз маъқулов!

Оила ва жамият

БОШ МУҲАРРИР: МУҲАММАД ИСМОИЛ

Ҳомий «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик жамияти

Муассисларимиз: Узбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси

Телефонлар: Бош муҳаррир - 133-28-20 Котибият - 34-86-91 Ўйлонлар бўлими - 136-56-52

МАНЗИЛИМИЗ Тошкент- 700000, Амир Темуру кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.

Обуна индекси - якка обуначилар учун 176 ташкилотлар учун 177 Руйхатга олиш № 33 Буюртма Г-0916 35540 нусхада чоп этилди. Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ. Чоршанба кунлари чиқади. Баҳоси эркин нарҳда. Навбатчи Урол СОДИҚ

Шпоримиз: Оила - жамият фахри

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Манзил Тошкент, Буюк Турун кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти -20.00 Босишга топширилди - 19.30